

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ
ЮРИТИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИМКОНИАТЛАРИДАН
Фойдаланиш тарихи**

Хушвактова Нодира Акрамовна

Аннотация: Мазкур тезисда Ўзбекистон ҳудудида жиноят ишларини юритишда жамоатчилик иштирокининг тарихий шаклланиши босқичлари таҳлил этилган. Тезисда ишни судга қадар юритишда жамоатчилик иштирокининг тарихан ва бугунги кундаги аҳамияти қиёсий таққосланиб, унга кўра инсон тақдири жамият ва давлат тақдири билан ўзаро уйғун ва чамбарчаслиги эътироф этилган. Бунда “Авесто”, “Қуръони карим”, “Ҳадис”, “Мухтасар”, “Ҳидоя”, “Фозил одамлар шаҳри” каби тарихий манбалар таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан жамоатчилик иштирокининг самарадорлигини оширишнинг тарихий омиллари ҳам тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: жамоатчилик, гувоҳ, ҳолис, мутахассис, жавобгарлик, иштирок, жиноят процесси, хавфсизлик, чиқим.

Сўнгги йилларда ўтказилаётган ислохотларга назар ташлайдиган бўлсак, инсон, яъни шахс статуси, унинг кадри ва иродаси бевосита биринчи ўринга кўтарилганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Инсон кадри учун хизмат қилиш, давлат органларини халқ учун хизмат қилишини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимидаги кенг кўламли ишлар тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ушбу соҳада дадил қадамлар қўйилди. Бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Мозийга назар солиб иш тутмаклик хайридир сўзларига амал қиладиган бўлсак, мазкур масала нафақат бугунги куннинг, балки қадимги даврларда ҳам давлатларнинг олдида турган муҳим вазифа

ҳисобланганлигини кўришимиз мумкин. Кўп минг йиллик тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак ҳам, қадимдан жамоатчиликнинг давлат ишларини бошқаришда, шу жумладан, жиноят ишларини юритишда фаол иштирок этганларини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жиноят процессида жамоатчилик иштирокини таъминлашга оид муносабатларнинг ретроспектив таҳлилинини амалга ошириш, бизга унинг моҳиятини, тарихий илдизларини англаш ва унинг истиқболларини белгилаш имконини беради.

Ўзбекистон ҳудудида милодий VII–VIII асригача одат ҳуқуқи амал қилиб келган бўлиб, бунда ҳуқуқий муносабатлар зардўштийликнинг асосий китоби «Авесто» билан тартибга солингандир. «Авесто»нинг бизгача тўлиқ етиб келган ва асосан ҳуқуққа оид бўлган қисми «Ведивдат» бўлиб, унинг маъноси «Ёвуз руҳларга қарши кураш»дир. Ведивдатнинг 4 фрагардининг 46-51-қисмларида шахснинг ёлғон ёки рост сўзлаётганлигини аниқлаш учун ордалиядан фойдаланиш тўғрисида сўз боради [1]. Ордалия сув, олов, металл ёки турли маҳсулотлар билан синаш шакли бўлиб, Митра илоҳлик билан бир қаторда адолат ўрнатиш учун инсонларга ҳақиқат ўрнатишда кўмак беради деб ишонилган. Бунда махсус билимларга эга шахслар Митра берган «белги», яъни модда хусусиятига кўра шахснинг ёлғон ёки рост кўрсатма бераётганлигини аниқлаганлар. Зардўштийларга рост гапириш Ахурамаздага кўмак бериш эканлиги таъкидланган. Гувоҳлар қасам ва баъзан ордалиялар билан ҳам текширилганлар [2; 9-15 б].

Барча жаҳон динларида ҳам жамият ҳаётига бефарқ бўлмаслик тарғиб этилган. Жумладан, «Таврот»да ҳам, «Инжил»да ҳам «Ёнингдаги инсонни ўзингни яхши кўргандек яхши кўр» деган тамойил мавжуд [3].

Республикамиз ҳудудига ислом динининг кириб келиши билан, яъни VIII асрдан то XIX асрнинг охирига қадар, жиноят-процессуал муносабатлар одат нормалари билан биргаликда шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган. Бунда Қурони карим, суннати набавий, ижмо ва қиёсдан шариат нормаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ислом динида ҳам жамиятдаги ҳар бир мўмин инсоннинг мавжуд иллатларга тоқатсиз

муносабатда бўлишлиги қуйидаги ҳадисда келтирилган: «Расуллулох соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Қайси бирингиз бир ёмонликни кўрса, уни ўз қўли билан тузатсин. Агар (қўли билан қайтаришга) кучи етмаса, тили билан қайтарсин. Бунга ҳам кучи етмаса, қалбан ёмон кўрсин. Бу эса имоннинг энг заиф даражасидир». Дарҳақиқат, ён-атрофда мавжуд муаммоларга кўз юмиб бўлмаслиги, турли ёмонлик-у жиноятларга қарши биргаликда курашиш, бефарқликдан қочиш лозимлиги, умуман олганда бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда ҳам, юртимизда ҳам кун тартибидаги асосий масала, шу туфайли ҳам унинг ечимини қидираётган бутун диссертация тадқиқотимизнинг ўзаги, маъзи ва мазмуни ушбу ҳадисда ўз ифодасини топган.

Фикҳ олимлари учун дастурул амал бўлган Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» ҳамда унга шарҳ тариқасида ёзилган Убайдулла ибн Масъуднинг «Мақтасар ул-Виқоя» асарига тўхталишни лозим топдик. Бу асарларда қозилар томонидан ўтказиладиган тергов жараёнига жамоатчиликни жалб қилишга оид бир қатор масалаларга ёритилган. Жумладан, Мухтасарнинг 131-бўлими «Қасам ичиш бўлими» деб номланган бўлиб, унга кўра бирор қишлоқ ёки маҳаллада ким томонидан ўлдирилганлиги номаълум жасад топилса, ўша маҳалла ичидан ўликнинг эгаси танлаган эллик нафар шахс бирма-бир бу кимсани ўлдирмагани ва билмаслиги тўғрисида қасам ичиши лозим бўлган. Шунда жиноят фош этилмаса маҳалла аҳли дийат тўлаши лозим бўлган. Маҳалла халқидан биттаси қасам ичишдан бош тортса, у қасам ичгунгача ёки қотиллик қилганлигини тан олгунча ёхуд қотилни кимлигини айтгунча ҳибс қилинган [4: 317-318 б].

Шунингдек, мазкур асарнинг 112-114-бўлимлари гувоҳлик, гувоҳ бўлишга монъелик қиладиган ҳолатлар, гувоҳликдан қайтишга бағишланган. Гувоҳликка бир кишининг фойдасига, иккинчи кишининг зарарига ҳақ билан хабар бериш деб таъриф берилиб, гувоҳларнинг барчаси учун адолат ва гувоҳлик лафзи шарт қилинган. «Гувоҳлик бўлими»да нафақат гувоҳ, балки

таржимон ва холисларга оид қоидалар ҳам келтирилгандир. Хусусан, гувоҳлар 2 тоифага асл (гувоҳ) ва иккинжи даражали (холис)га ажратилган. Шунингдек, гувоҳнинг тилини қози билмаганда, таржима қилинганда яна икки киши иштирок этиши тўғрисида сўз юритилган.

Юқоридагиларга кўра хулоса қилишимиз мумкинки, юртимиз ҳудудида қадим-қадимдан жиноят ишларини юритишда одатга ёки шариат қоидаларига таянилмасин, ҳар доим жамоатчилик иштирокидан кенг фойдаланиб келинган.

Абу Наср Фаробий таъбири билан айтганда: «Ҳақиқий бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам қилувчи кишиларни бирлаштирган шаҳар – фазилатли шаҳардир, бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси – фазилатли жамоадир» [5; 285 б].

Юртимиз тарихида жамоатчилик иштирокини кўрсатиб берувчи яна бир асар Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий Низомулмулкнинг Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк асари ҳисобланади. Мазкур асарнинг олтинчи фасли қозилар, хатиблар ва мухташаблар орасидаги муомала ва улар ишларининг ривожига бағишланади. Мазкур бобда бордию подшоҳлар устидан шикоят қилиниб, гувоҳ ва далиллар келтирилса, тожини ечиб, тахтдан тушиб қози ул-қуззот олдига тиз чўккан ҳолда унга нисбатан ишни ҳаққоний ва оғишмай кўришни сўраганлиги ҳикоят қилинади. Шунингдек, подшоҳ қозиси даъвогарнинг сўзларини бевосита ўзи эштиши лозимлиги, агарда тожик, турк ёки бошқа миллат вакили бўлиб, араб тили ва шариат қоидаларини билмаса, унда ноиблари ишларни юритиши тўғрисида сўз боради [6; 45-60 б]. Демак, ушбу асарда ҳам мансаби ва лавозимидан қатъий назар барчанинг тенг ҳуқуқлиги, давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилганлиги, шунингдек даъвогарларга ўз она тилида ғайриҳуқуқий ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ва бунда таржимон хизматидан фойдаланишга оид қоидаларнинг акс эттирилганлигини кўришимиз мумкин.

Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да ҳам давлат бошқарувида ўн икки тоифа кишилар кенгашига суянганлиги ҳамда

салтанатни улар орқали қувватлагини борасида сўз юритади [7; 69 б]. Ҳазрати Алишер Навоий эса, халққа яхшилик қилиш, инсоннинг ўзига яхшилик қилиш билан тенг эканлигини баён қилган [8].

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, йиллар давомида барча жабҳалар қатори жиноят процессида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тобора такомиллашиб бормоқда. Чунки, жамоатчиликнинг ишни судга қадар юритишда фаол иштирокини таъминлаш, ҳам халқаро, ҳам Янги Ўзбекистонда давр талабига айланди. Бунга эса, ретроспектив таҳлил натижалари ҳам асосли далил ҳисобланади. Шундай экан, ишонч билан таъкидлашимиз мумкинки, инсон тақдири – жамият ва давлат тақдири билан ўзаро уйғундир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авесто <http://zoroastrism.ru/avesta/videvdat/index.shtml>
2. В.Л. Афанасьевский Ордалия как способ определения виновности: историко-культурный аспект Вестник Самарского юридического института DOI 10.37523/SUI.2021.37.51.001 2021 С.9-15
3. Библия <https://www.bible-ru.org/genesis-22.html> (Мурожаат қилинган сана: 04.04.2022)
4. Мухтасар (Шариат қоидаларига қисқача шарҳ). Нашрга тайёрловчилар: Р.Зоҳид, А.Дехқон – Т.: Чўлпон, 1994. – Б.317-318 (336 б)
5. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент «Янги аср авлоди». – 2016. – Б.285.
6. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Иккинчи тўлдирилган, қайта ишланган нашри. – Т.: «Янги аср авлоди», 2008. Б. 45-60 (240 б)
7. Темур тузуклари /Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж.; Б. Аҳмедов таҳр. остида; / Сўзбоши ва изоҳлар Б. Аҳмедовники/. — Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1996 – Б. 69 (3446).
8. А.Навоий Хамса 1-том. Ҳайрат ул-аброр. – Т.: 2016.